

Photoshop курси бўйича амалий машғулотлар тўплами 2




1-ДАРС. ФОН ОБЪЕКТИНИ ЁЗУВДАН ОЛДИНГА ҚЎЙИШ.


1-қадам. Суратни очинг ва **Туре** (Ёзув) аслаҳаси ёрдамида керакли матнни киритинг.



2-қадам. **Lasso** (Лассо) ёки **Magnetic Lasso** (Магнитли Лассо) аслаҳаларидан фойдаланган ҳолда суратнинг киритилган ёзув устида бўлиши керак бўлган қисмини белгиланг (расмда берилганидек эркакнинг бош қисмини). **Layers** (Қатламлар) мажмуасида фон қатламини белгиланг.



3-қадам. Белгилаб чиқилган тасвир доирасини алоҳида қатламга олиш учун <Ctrl+J> тугмалари мажмуасини босинг. Сўнг ушбу қатламни **Layers** (Қатламлар) мажмуасида (худди расмда берилганидек) ёзув қатламидан юқори поғонага олиб чиқинг.




2-ДАРС. БИР ФОТОСУРАТДАН ҲАМ ФОН ҲАМ МАРКАЗИЙ ЭЛЕМЕНТ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ.

1-қадам. Янги ҳужжат ҳосил қилинг (**File > New**) ва <Alt+Backspace> (<Option+Delete>) тугмалари йиғиндисини босиш билан бирор рангдаги (бизнинг ҳолатда қора) фон қатламини қуйинг. Фон тасвири сифатида фойдаланмоқчи бўлган суратни очиб, ушбу тасвирнинг асосий объектини **Move** (Олиб бориш) аслаҳаси ёрдамида қора фон устига олиб бориш.



2-қадам. Янги қават яратиб, расмда берилгандек унга қора ранг беринг.



3-қадам. **Layers** (Қатламлар) мажмуасида расмни қоплаб турган қора қатламнинг **Opacity** (акс шаффофлик) параметри қийматини 70% гача камайтиринг. Бунинг натижасида объект тасвири фон сифатида ҳосил бўлади. Ушбу расмни яна бир бор қора фонга ташланг, лекин бу сафар унинг ўлчамини <Ctrl+T> клавишлари йиғиндиси ёрдамида активлаштириш мумкин бўлган **Free Transform** (Эркин ўлчам) аслаҳасидан фойдаланган ҳолда кичиклаштиринг. Ушбу йўл билан биз битта расмнинг ўзидан фойдаланган ҳолда, олдинги ва орқа планда бир-биридан фарқли объектларни ҳосил қилдик.



3-ДАРС. БИР ТАСВИРНИ БОШҚАСИ УСТИГА ҚЎЙИШ.

1-қадам. Сиз устига бирор тасвир жойламоқчи бўлган суратни очинг. Бу ҳолатда биз мобил телефон экранига фотосурат жойладик. **Rectangular Marquee** (Тўғри бурчакли соҳа) аслаҳасини танлаб бошқа расм жойланиши керак бўлган соҳа – суратдаги мобил телефон экранини белгиланг (расмда берилганидек). Мобильник экранига қўймоқчи бўлган фоторасмингизни очиб, расмни тўлиқ белгилаш учун <Ctrl+A> клавишларини бирин-кетин босинг. <Ctrl+C> тугмалари жамланмасидан фойдаланиб расмни хотирага қўчириб олинг.



2-қадам. Мобил телефон суратига ўтиб, **Edit** менюсини очинг ва **Paste Into** буйруғини танлаб хотирадаги фотосуратни белгиланган соҳага ташланг. Туширилган тасвир ўлчамини ўзгартириш учун <Ctrl+T> клавишлари мажмуасини босинг. Тасвир чегарасини кўрсатиб берувчи маркерларни чиқариш учун <Ctrl+O> тугмачалари йиғиндисини босинг.



3-қадам. <Shift> тугмасини ушлаб турган ҳолда тасвирнинг бурчак маркерларини тутиб ичкари томонига қадар кичрайтирингки, телефон экранига жойлашсин. Керакли ўлчам берилгач бажарилган ўзгаришларни сақлаш учун <Enter> тугмасини босинг. **Layers** (қатламлар) мажмуасининг очилувчи **Add a layer style** (Қатлам стилини қўшиш) менюсидан **Inner Shadow** буйруғини танланг ва **Distance** (масофа) ҳамда **Size** (ўлчам) параметрлари учун 1 қийматини беринг.



4-ДАРС. ТАЙЁР РОМГА ФОТОТАСВИР ТУШИРИШ.

1-қадам. Тасвир ичидаги расмни ўзгартириш керак бўлган фототасвирни очинг (бу ҳолатда биз йўл рекламали расмни ўзгартирамиз). **Polygonal Lasso** (Кўп бурчакли лассо) ускунаси ёрдамида йўл ҳаракати белгисидаги тасвирни белгилаб чиқинг.



2-қадам. ҳаракат белгиси ўрнига қўймоқчи бўлган тасвирингизни очинг. <Ctrl+A> ёрдамида ҳамма тасвирни белгилаб олинг ва <Ctrl+C> билан уларни хотирага олиб қўйинг. Аввалги фототасвирга ўтиб **Edit** (Таҳрирлаш) менюсидан **Paste Into** (Ичига ташлаш) буйруғини танланг. Яратилган плакат белгиланган соҳага ташланади, лекин туширилган тасвир ҳаракат белгиси ромининг ўлчами ва бурчакларига мос тушиши учун таҳрирлаш керак. **Free Transform** (Эркин ўлчам) ускунасини танлаш учун <Ctrl+T> тугмалари мажмуасини босинг.



3-қадам. <Ctrl> тугмасини ушлаб турган ҳолда туширилган расмнинг юқоридаги чап маркерини тутиб йўл ҳаракати тасвирининг юқоридаги бурчагига мослаб олиб боринг. Кейин фақат сичқонча тугмасини қўйиб юбориб энди расмнинг юқорисидаги ўнг маркерини ромнинг ўнг юқори бурчагига мосланг. Бу ҳаракатларни пастки бурчаклари учун ҳам такрорланг. Бу амаллар туширилган плакатга керакли кўринишни беради. ҳамма ўзгаришларни сақлаш учун <Enter> тугмасини босинг.



5-ДАРС.ТЎҚ РАНГЛИ КЎЗОЙНАКЛАРДАГИ АКС ТАСВИР ЭФФЕКТИ.

1-қадам. Тўқ рангли кўзойнак таккан киши суратини очинг. Кўзойнак ойнасини белгилаб чиқиш учун ўзингизга қулай бўлган бирор бир аслаҳадан фойдаланинг (масалан, **Lasso** аслаҳасидан). Тўқ рангли кўзойнакда акс этиб туриши керак бўлган бирор фотосуратни очинг. <Ctrl+A> ёрдамида тугмалари ёрдамида расмни белгилаб олиб <Ctrl+C> билан уни хотирага олиб қўйинг.


2-қадам. Кўзойнакдаги одам суратига ўтиб **Edit** (Таҳрирлаш) менюсидан **Paste Into** (Ичига қўйиш) буйруғини танланг. <Ctrl+T> тугмалари мажмуасини босинг. Туширилган тасвир ўлчамини белгиланган соҳага мос тушириш учун <Shift> тугмасини ушлаб турган ҳолда расм маркерини соҳа ичига олиб боринг. <Enter> тугмасини босинг. **Layers** (Қатламлар) мажмуасида очилувчи **Add a layer style** (Қатлам стилини қўйиш) менюсидан **Inner Shadow** (Ички соя) буйруғини танланг. Туширилган соя аксни янада табиий қилиши учун **Distance** (Масофа) параметрига 1 пиксел, **Size** (Ўлчам) параметрига – 3 пиксел, **Angle** (Бурчак) параметрига 120° қийматини бериб **OK** тугмасини босинг.

3-қадам. **Layers** (Қатламлар) мажмуасида ушбу қатламнинг **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини 50% гача камайтиринг ва **Screen** (Ёриштириш) ётқириш режимини беринг, бу эса майда деталларни ҳамда кўзойнак ойнасидаги ёруғлик манбасини кўришга ёрдам беради. **Эслатма.** Кўзойнакнинг иккала ойнасида акс тасвир ҳосил қилиш учун ҳам айнан шу усулдан фойдаланинг.




6-ДАРС. ФОТОТАСВИРНИНГ БИР ТОНЛИ ФОНГА СУЗУВЧИ ЭФФЕКТ БИЛАН ҚОРИШИБ КЕТИШИ.


1-қадам. Янги ҳужжат яратинг (**File > New**). Фон тасвири бир тонли ранг билан қоплаш учун **<Alt+Backspace>** тугмалари йиғиндисини босинг (бу ҳолатда қора ранг билан).
Фотосуратни очиб **Move** аслаҳаси ёрдамида қора фон тасвирланган ҳужжат устига олиб боринг. (расмда кўрсатилганидек).



2-қадам. **Gradient** (Градиент) аслаҳасини танлаб **<Enter>** тугмасини босинг, шунда **Gradient Picker** (Градиент танлаш) ойнаси кўринади. Бунда келтирилган градиентларнинг, бошидан ҳисоблаганда учинчисини – **Black, White** (Қора, оқ) градиентини (худди расмда берилганидек) танланг.



3-қадам. **Layers** (қатламлар) мажмуасидадаги **Add a layer mask** белгисини чертинг. **Gradient** аслаҳасидан фойдаланган ҳолда тасвирнинг фон билан қўшилиб кетиши керак бўлган соҳада сичқончани унинг тугмасини ушлаб туриб тасвир чертилган соҳанинг қарама-қарши томонига олиб боринг. Қўйиб юборишингиз билан танлаган рангингиз билан фототасвирнинг сузувчи эффект билан тутшиб кетганига гувоҳ бўласиз.



7-ДАРС. ХИРА АКС ЭФФЕКТИ.

1-қадам. Янги ҳужжат ҳосил қилинг (**File > New**), кейин эса Сиз хира акс эффектани бермоқчи бўлган фототасвирингизни очинг. **Move** аслаҳаси ёрдамида объект тасвирини бўш ҳужжатга ташланг. Фототасвир қатламини иккилантириш учун **<Ctrl+J>** тугмалари жамланмасини ва **Free Transform** (Эркин ўлчам) аслаҳасидан фойдаланиш учун **<Ctrl+T>** клавишлари босилиши кетма-кетлигини амалга оширинг. Ташланган тасвирни белгилаб турган чегара рамкасини сичқончанинг ўн тугмачаси билан чертинг ва пайдо бўлган контекст менюдан **Flip Vertical** буйруғини танланг.



2-қадам. Ҳамма шакл ўзгарувларини сақлаш учун **<Enter>** тугмасини босинг. **Move** аслаҳаси ёрдамида аксланган тасвирни вертикал равишда пастга олиб тушинг, токи (вертикал ва аксланган ҳолатдаги) тасвирлар бир-бирига туташгунча. **Layers** (қатламлар) мажмуасида **Add a layer mask** нишончасини чертинг. Энди **Gradient** (Градиент) аслаҳасини ишга солиш мумкин.



3-қадам. **Gradient** (Градиент) аслаҳасини танлаб **<Enter>** тугмасини босинг. Сичқонча кўрсаткичи жойлашган ўринда **Gradient Picker** (Градиент танлаш) ойнаси пайдо бўлади. **Black, White** градиентини танланг. Акс тасвир бутунлай хиралашиб кўринмай қолиши керак бўлган жойда сичқонча тугмачасини босган ҳолда юқорига қараб иккала тасвир туташган жойга қадар олиб чиқинг. Шу йўл билан акс тасвирнинг сўниб (хиралашиб) бориши эффекти ҳосил бўлади, чунки градиент билан биринчи бор чертган соҳангиз бутунлай шаффофлашиб, градиент чизиғининг охири ўзгаришсиз қолади. Бу икки нукта оралиғида тасвирнинг аста сўниб бориши ҳолати юз беради.



8-ДАРС. ТУШИБ ТУРГАН СОЯ.


1-қадам. Сиз сояси тушиб туришини истаган объект тасвирини очинг (бизнинг ҳолатда бу автомашина рули). Кейин ўша тасвирни белгилаб <Shift+Ctrl+J> клавишлари мажмуасини босинг, бу эса белгиланган объектни алоҳида қатламга нусха қилиб олади. <Ctrl+J> тугмалари мажмуасини босиш билан объект тасвири қатламини иккилантиринг. Ушбу иккиланган қатлам нусхаси тушиб турган соя эффектини ҳосил қилишда ишлатилади.



2-қадам. Асосий ранг сифатида қора рангни танлаб, <Shift+Alt+Backspace> тугмалари йиғиндисини босиш билан иккиланган қатламдаги объектни бўянг. **Free Transform** аслаҳасини ишга солиш учун <Ctrl+T> мажмуасидан фойдаланинг. <Ctrl> тугмасини ушлаб турган ҳолда тасвирнинг юқори марказий қисмидаги маркерни тутиб расмда кўрсатилганидек кўпроқ пастга ва салгина чап ёнга қиялаштиринг (бу билан сояни текис сиртга “ётқизаяпмиз”). Ўзгартиришларни сақлаш учун <Enter> тугмасини босинг.



3-қадам. **Layers** (қатламлар) мажмуасида соя сифатида қўлланиладиган қатламнинг **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини 50% гача камайтириб, **Filter** (Филтр) менюсидан **Blur > Gaussian Blur** (Ювилиш > Гауссо ювилиш) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасида ювилиш радиуси параметри учун 3 пиксел (юқори сифат кенгайтмали фотосуратларда масалан, 300 пиксел бўлса, 12 пиксел) қийматини белгиланг ва **OK** тугмачасини босинг. **Layers** (қатламлар) мажмуасида ётган соя қатламини оригинал объект тасвири қатлаמידан бир поғона қуйига тушириб қўйинг.



9-ДАРС. НУРНИНГ МАЙИН ТУШИШИ ЭФФЕКТИ.


1-қадам. **File > New** буйруғи асосида янги ҳужжат яратиб асосий рангни танлаб олинг. Ҳамда ўша ранг билан фонни бўйаш учун **<Alt+Backspace>** тугмалари мажмуасини ишлатинг. Майин нур тушиб туриши эффектини қўлламоқчи бўлган суратни очинг ва **Move** аслаҳаси ёрдамида янги ҳужжатга ташланг.



2-қадам. **<Ctrl>** тугмасини босиб турган ҳолда **Layers** (Қатламлар) мажмуасида **Create a new layer** нишончасини босинг, бу ўз навбатида объект сурати қатламининг пастидан янги қатлам ҳосил қилади. **Lasso** (Лассо) аслаҳаси ёрдамида тасвирнинг объект жойлашган соҳаси атрофини белгилаб чиқинг. Асосий ранг сифатида оқни белгилаш кетма-кет равишда **<d>** ва **<x>** тугмачаларини босинг ва белгилаб чиқилган соҳани **<Alt+Backspace>** тугмалари бирикмаси ёрдамида оқ рангга бўянг. Белги чизиқларини **<Ctrl+D>** клавишлари ёрдамида олиб ташланг.



3-қадам. **Filter** (Фильтр) менюсини очиб **Blur > Gaussian Blur** (Ювилиш > Гауссо ювилиш) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасида **Radius** (Радиус) параметри қийматига 60 пиксел (300 ppi кенгликдаги фотосуратларга 170 пиксел ажратинг) бериб белгиланган оқ соҳани юмшатиш учун **OK** тугмасини босинг. Тасвир ҳақиқатга яқин бўлиши ва унчалик ёрқин бўлмаслиги учун **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини тахминан 75% гача камайтиринг.




10-ДАРС. “ЮВИШ” ЭФФЕКТИ.

1-қадам. “Ювилган” расм эффектени қўлламоқчи бўлган расмингизни очинг.



2-қадам. **Filter** (Фильтр) менюсидан **Blur > Radial Blur** (Ювилиш > Радиал ювилиш) буйруғини очинг. Пайдо бўлган мулоқот ойнасида очилувчи **Blur Method** (Ювилиш методи) рўйхатидан **Zoom** (Масштаб) қийматини танланг, **Amount** (Даража) параметри қийматини 100 гача оширинг ва **Quality** (Сифат) параметрлари гуруҳидан **Good** (Яхши) ўзгартмасини танланг.



3-қадам. **OK** тугмасини босинг ва бутун бир тасвирга сув теккан одатий эффекти ўрнатилади.

